



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Қуллиев Истам Янгимуродович

*Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси, и.ф.н., доцент.
Тошкент, Ўзбекистон. istamkulliev@gmail.com*

ORCID: 0009-0007-8138-127X

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i1

Аннотация

Жисмоний шахсларни кредитлаш банкларнинг муҳим даромад манбаи бўлиши билан бирга аҳолининг эҳтиёжларини талабга айлантириш ҳамда уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга замин яратувчи восита ҳисобланади. Шу жиҳатдан жисмоний шахсларни кредитлашни тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш, тижорат банклари ва мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш ҳамда иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада жисмоний шахсларни кредитлашнинг назарий жиҳатлари тадқиқ қилинган ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жисмоний шахс, кредит, ипотека кредити, истеъмол кредити, микроқарз, чакана кредитлаш, қарз юки, кредитга лаёқатлилиқ, банк кредит сиёсати, аҳоли даромадлари, қарз олувчининг харид қобилияти, инфляция даражаси, иқтисодий ўсиш, ялпи ички маҳсулот, Марказий банк.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КРЕДИТОВАНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ КОММЕРЧЕСКИМ БАНКОМ

Қуллиев Истам Янгимуродович

*Независимый научный сотрудник Ташкентского финансового института, к.э.н., доцент,
Ташкент, Узбекистан*

Аннотация

Кредитование физических лиц является для банков важным источником дохода, а также средством превращения потребностей населения в спрос и создания основы для повышения их благосостояния. В связи с этим большое значение имеют исследование и совершенствование кредитования физических лиц, координация взаимоотношений коммерческих банков с клиентами, развитие экономики. В данной статье изучены теоретические аспекты кредитования физических лиц и разработаны соответствующие рекомендации.

Ключевые слова: физическое лицо, кредит, ипотечный кредит, потребительский кредит, микрозайм, розничное кредитование, долговая нагрузка, кредитоспособность, кредитная политика банка, доходы населения, покупательная способность заемщика, уровень инфляции, экономический рост, валовой внутренний продукт, центральный банк.

THEORETICAL ASPECTS OF LENDING TO INDIVIDUALS BY A COMMERCIAL BANK

Kulliev Istam Yangimurodovich

Independent researcher of the Tashkent Institute of Finance, PhD, docent. Tashkent, Uzbekistan

Abstract

Lending to individuals is an important source of income for banks, as well as a means of turning the needs of the population into demand and creating a basis for improving their well-being. In this respect, research and improvement of lending to individuals, coordination of mutual relations between commercial banks and customers, and economic development are of great importance. In this article, the theoretical aspects of lending to individuals are studied and relevant recommendations are developed.

Keywords: *individual, credit, mortgage credit, consumer credit, microloan, retail lending, debt burden, creditworthiness, bank credit policy, population income, borrower's purchasing power, inflation rate, economic growth, gross domestic product, Central Bank.*

Кириш

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосий мазмуни инсон қадрли учун тамойилига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 60-сон фармонида “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баробар қисқартириш” мақсади белгиланган. Тижорат банклари томонидан аҳоли тадбиркорлик фаолиятига кредитлар ажратиш орқали аҳоли даромадларини ва турмуш фаровонлигини ошириш мумкин [1].

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш банкларнинг муҳим даромад манбаи бўлиши билан бирга аҳолининг эҳтиёжларини талабга айлантириш ҳамда уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга замин яратади. Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, умумий қилиб ЯИМ яратишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Республикада тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг банк активларидаги улуши 2017 йил 1 январ ҳолатига 11,2 фоиз ва ЯИМ даги улуши 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йил 1 ҳолатига кредитлар қолдиғи 101,0 трлн.сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич мос равишда 18,1% ва 11,4 фоизни ташкил этган [2].

Ҳолбуки, халқаро амалиётда тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ЯИМ да ва банк активларида салмоқли улушга эга. Жумладан, жисмоний шахсларнинг кредитлари қолдиғининг ЯИМ даги улуши 2022 йил 1 январ ҳолатига АҚШда 78%, Японияда 69%, Малайзияда 73%, Францияда 67%, Германияда 57% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичнинг МДҲ давлатларида хусусан, Россия Федерациясида 22%, Қозоғистонда 13% ва Украинада 5% ни ташкил этган. Ўзбекистон Республикасида 2022 йил 1 январ ҳолатига жисмоний шахслар кредитлари қолдиғининг ЯИМ даги улуши 9,5% ни ташкил этди [3].

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари ўртасида рақобатнинг ривожланиб бораётганлиги, турли мулкчилик шаклида банкларни ташкил этилиши, хусусан хориж капитали иштирокидаги банклар сонининг ошиши банклараро рақобат муҳитига ижобий таъсир қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида банклар томонидан аҳолига турли кредит маҳсулотлар таклифини оширишга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Жисмоний шахсларни кредитлашнинг тараққий этиши ва ривожланиши, кредит муносабатларини жадаллашувига, кредитлаш шакллари ва турларини кўпайишига, ахборот технологиялари асосида кредитлашни ташкил этилиши ва бошқа шу каби жараёнларида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Бундай шароитда албатта, тижорат

банклари томонидан жисмоний шахсларга кредитлашнинг ҳам назарий ҳам ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш заруратга айланади. Сабаби, банк ва мижоз ўртасида юзага келадиган кредит муносабатларини ташкил этиш ва шартномавий муносабатларга киришишда иқтисодий тушунчаларни тўғри талқин қилиниши ва қўлланилиши муҳим ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодий адабиётларда жисмоний шахсларни кредитлаш асосан иккита атама билан қўлланилади. Жисмоний шахсларга ажратиладиган "истеъмол кредити" ва "чакана кредитлаш" тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Ушбу тушунчаларнинг умумий жиҳатлари мавжуд бўлсада, баъзи муаллифлар бу тушунчаларни синоним сифатида ишлатадилар, бошқалари уларни бир-биридан ажратиб тушунтиришади. Бу эса, илмий тадқиқотларни амалга ошириш, тижорат банкларининг жисмоний шахсларга кредит ажратиш амалиётларини баҳолаш учун статистик ва таҳлил жараёнларида ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Илмий адабиётларда аҳолини банклар томонидан кредитлашни ривожлантириш муаммолари тадқиқ этилган ва этилмоқда. Унинг мазмуни ва фундаментал жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Э.Ж.Долан, Дж.Синки кабилар томонидан кенг ўрганган. Шунингдек, МДХ давлатлари иқтисодчи олимларидан О.Лаврушин, Э.Жуков, Э.С.Каврук, Г.Г.Коробова, С.В.Кудряшов, Г.Н.Белогазова, В.В.Сидоров ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшган.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлашнинг мазмунини муҳим хусусиятларини тўлиқ очиб бериш ва тушуниш учун турли муаллифларнинг фикрлари доирасида терминологик таҳлилни амалга оширамиз (1-жадвал).

1-жадвал

“Жисмоний шахсларга кредит бериш” тушунчасининг терминологик таҳлили

Муаллиф	Муаллиф томонидан берилган таъриф
Долан Э.Ж., Кемпбелл К.Д., Кемпбелл Р.Ж. [4]	жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар - аҳолига узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари сотиб олиш учун берилган кредитлар
Синки Дж. [5]	жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар - шахсий харидлар ёки хизматлар учун тўлаш учун жисмоний шахсга ажратиладиган кредит
Лаврушин О.И. [6]	кредит ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи элементлар мажмуидан иборат бўлиб, у кредитлашнинг тамойиллари, объектлари, субъектлари ва мақсадини қамраб олади.
Коробова Г. Г. [7]	жисмоний шахсларга кредит бериш - бу аҳолига бериладиган ҳар қандай турдаги кредитлар, шу жумладан шошилиш эҳтиёжлар учун кредитлар, товарлар сотиб олиш, ипотека кредитлари ва бошқалар.
Белогазова Г. Н., Кроливетская Л. П. [8]	жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар - бу жисмоний шахсларга (истеъмолчиларга) шахсий, оилавий ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитлардир.

Жуков Э.Ф. [9]	Жисмоний шахсларни кредитлаш - бу банк томонидан аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, қимматбаҳо истеъмол товарларини сотиб олиш ва бошқалар учун бериладиган кредитлардир.
Сидоров В. В. [10]	Жисмоний шахсларни кредитлаш - бу жисмоний шахсларга (истеъмолчиларга) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжларини қондириш (товар сотиб олиш, хизматлар учун ҳақ тўлаш ва бошқалар) учун кредит маблағларини бериш жараёни.
Кудряшов С. В. [11]	жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар - жисмоний шахсларни молиялаштиришга хизмат қилувчи банк кредитларининг турларидан бири ва ялпи ички маҳсулотнинг якуний истеъмолчиси сифатида уй хўжалиklarининг иқтисодий эҳтиёжлари маҳсулот
Каврук Э. С. [12]	жисмоний шахсларни кредитлаш - бу банклар томонидан истеъмол товарларини сотиб олиш, шунингдек ўзига хос ҳар хил турдаги харажатларни (тиббий ёрдам, ўқиш тўловлари ва бошқалар) тўлаш учун кредитлар беришдир.

Манба: Муаллиф томонидан тузилди.

Айрим ҳолатларда, "жисмоний шахсларни кредитлаш" тушунчаси нотўғри талқин қилиниши, яъни "истеъмол кредити" билан синоним тушунча сифатида қўлланиш ҳолатлари мавжуд. Маълумки, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга тақдим этилаётган кредит маҳсулотлари турли-туман. Юқоридаги жадвал маълумотларидан, жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитларга аксарият муаллифлар томонидан кредит тамойиллари ва истеъмол учун ажратиладиган кредит сифатида қайд этишган. Умумий маънода жисмоний шахсларни кредитлаш, аҳолининг эҳтиёжлари ва жорий истеъмолини қондиришга қаратилган кредитлаш амалиётини тушунилади. Муаллифлар жисмоний шахсларга кредит ажратиш тушунчасини жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш ва турмуш даражасини ошириш мақсадида ажратиладиган кредитлар сифатида фикр берган.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмол кредити тўғрисида"ги 2006 йил 6 майдаги 33-сонли Қонуннинг 3-моддасида "Истеъмол кредити тушунчаси ва шакллари" га таъриф берилган. Унга асосан истеъмол кредити жисмоний шахсга (истеъмолчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредит эканлиги белгиланган. [13]

Бундан ташқари, жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш, жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжларидан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини кредитлашни ҳам қамраб олиши хусусида аниқ фикрлар келтирилмаган. Г.Белоглазова эса, уни аниқлаштириб тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитлар сифатида қайд этган.

Айрим манба ва адабиётларда жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётида истеъмол товарлари ёки хизматлар учун кредит берилиши билан бирга аҳолининг тадбиркорлик фаолияти шуғулланаётган қисмини, яъни юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларини (якка тартибдаги тадбиркор, оилавий тадбиркор) кредитлаш амалиётини киритишади.

Халқаро банк амалиётида “Retail” сўзи ҳам чакана маъносини билдиради ва ушбу ритейл банк хизматлари ҳам айнан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар мажмуасини ифода этади.

А.И.Полищук ва С.А.Быстровнинг тадқиқотларида [14] ритейл банк бизнесини ипотека кредитлашдан фарқ қилишини ва унга хос фарқли хусусиятлар қўйидагилар эканлигини таъкидлайди:

1. ритейл кредитлаш амалиётида кредитлаш миқдорининг кичик эканлигини;
2. қарз олувчининг кредит рейтингига нисбатан кредит қайтишининг иккиламчи манбаларининг аҳамияти паст эканлиги;
3. ритейл банк бизнесида махсус технологияларининг қўлланилади ва кредит карталаридан кенг фойдаланилади.

Тижорат банкларида жисмоний шахсларни кредитлашнинг ўзига хос жиҳатлари қўйидагилар:

1. Кредит миқдорининг кичик эканлиги;
2. Жисмоний шахсларни кредитлашнинг бир хил андозага эга эканлиги;
3. Кредитлашни ташкил этишнинг умумийлиги;
4. Кредитлаш тартибининг содда ва қулайлиги;
5. Кредитнинг шахсий эҳтиёжларни қондиришга қаратилганлиги;
6. Кредитлаш жараёнида дастлабки омонатларни шакллантирилиши;
7. Кредит муайян мақсадсиз ажратилиши ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги 2022 йил 20 апрелдаги 765-сонли қонуннинг 5-моддасига асосан “жисмоний шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида эллик миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини — микроқарз бериш” мумкинлиги ва тижорат банклари, микромолия ва тўлов ташкилотлари, шунингдек микроқарзлар беришга оид қисм бўйича ломбардлар микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Жисмоний шахсларга кредитлар бериш ва микроқарз хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб–таомилларни белгилаб берган юқоридаги ҳужжатларда жисмоний шахсларнинг муомала лаёқати, яъни 18 ёшга тўлган бўлиши ёки муомала лаёқатига эга бўлган бўлган жисмоний шахслар хизматлар истеъмолчи бўлиши назарда тутилмаган.

Ўзбекистон банк амалиётида яқка тартибдаги фаолиятни амалга оширувчи юридик мақомга эга бўлмаган шахсларни кредитлаш амалиёти юридик шахсларга кредит хизматларини кўрсатиш амалиётига мувофиқ ташкил этилади. Мазкур ҳолатда юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари кредитни шахсий эҳтиёжлар учун эмас, балки тадбиркорлик фаолияти учун йўналтиради. Жисмоний шахсларга эса, шахсий истеъмол ва узоқ муддат хизмат қилишга мўлжалланган воситалар сотиб олиш учун кредитлар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги қарори билан тасдиқланган 891-сонли “Тижорат банкларининг банк назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим қилинадиган ҳисоботларини тўлдириш бўйича тавсиялар”ига асосан статистик ҳисоботларда яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи ва сифати тўғрисидаги маълумотлар юридик мижозларга ажратилган кредитлар мақомида ҳисоботларда акс эттирилади.

Юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар ва қарашларга аниқлик киритиш жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитларни таснифлаш ҳамда унинг хусусиятларини ёритиш унинг мазмунини кенгроқ очиб беришга замин яратади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, синтез ва коэффициент методларидан фойдаланилди.

Жисмоний шахсларга мўлжалланган банк кредит маҳсулотларини таснифлаш чакана кредитларнинг мазмунини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади. Тадқиқот жараёнида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг назарий жиҳатлари кредит муносабатларининг объекти, субъектлари ва уни турли мезонлар асосида таснифланди.

Тижорат банкларининг чакана кредит фаолияти стандартлаштириш, табақалаштириш ва оммавийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

1. Стандартлаштириш тамойили деганда ички банк ҳужжатларида қайд этилган ва кредит жараёни иштирокчилари томонидан мажбурий равишда бажарилиши шарт бўлган, шу билан бирга мижозларнинг кредит маҳсулотларига бўлган талабларига эътибор қаратиладиган кредит ва чакана хизматларнинг ишлаб чиқилган технологиясига бўлган эҳтиёж тушунилади.

2. Дифференциация тамойили чакана кредит маҳсулотлари бўйича бир ҳил гуруҳларни шакллантириш. Чакана кредитларнинг самарадорлигини баҳолаш ва банк талаб қиладиган йўналишда ривожланиш имконини беради.

3. Оммавийлик тамойили чакана мижозларни кенг қамраб олиш ва чакана сегмент мижозларининг нисбатан кичик миқдордаги (пул кўринишида) индивидуал кредит сўровлари натижасида кредит маҳсулотларини сотишни амалга оширишни таъминлайди.

Банкларнинг чакана кредитлашнинг анъанавий усулидан онлайн шаклда тақдим этиш амалиёти ўтиш ва унинг ривожланиши чакана кредитлаш борасидаги муносабатларни тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда. Жисмоний шахсларни кредитлашга доир аксарият тадқиқот ишларида асосан жисмоний шахсларга истеъмол кредитлар ажратиш ва кредитга лаёқатлигини баҳолашнинг кредит скоринги бўйича назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинади.

Тижорат банкларида жисмоний шахсларга ажратиш ва кредитлаш жараёнларини босқичларга ажратиб таҳлил қилиш, хусусан чакана ва корпоратив кредит портфелига ажратиб самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш бир қатор устунликларни беради. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларни кредит маҳсулот турлари ва мижоз тоифаларига ажратиб таҳлил қилиш чакана кредитлашнинг самарадорлигини ошишига хизмат қилади. Шунингдек, банк кредит портфелида муаммоли кредитлар улушини камайишига ва кредит портфели сифатини ошишига замин яратади. Тижорат банклари чакана кредитлаш амалиётларини кичик гуруҳларда ва мижозлар тоифалари бўйича кўрсаткичлар таҳлили натижасида чиқарилган хулосалар юқори натижаларни беради.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш ҳар бир банк томонидан ишлаб чиқилган кредит сиёсати, кредит маҳсулотлари ва модулли кредитлар шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Тижорат банклари кредит сиёсатида жисмоний шахсларга тақдим этиладиган кредит турлари ва шартларини аниқ кўрсатилади. Кенг маънода жисмоний шахсларга

ажратиладиган кредитлар объекти ва фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб кредитларни 2 турга ажратиш мумкин:

1. Мақсадли.
2. Мақсадсиз.

Жисмоний мижозларга ажратиладиган мақсадли кредитлар товар ва хизматларни сотиб олиш мақсадида, учинчи томон билан тузилган шартномага асосан пул ўтказиб бериш орқали амалга оширилади. Сўнгги 5 йилликда кенг ривожланиб келаётган микроқарз, овердрафт ва кредит карталар орқали жисмоний шахсларга тақдим этилаётган маблағлар мақсадсиз, яъни банк мижоз ҳисобрақамига ёки нақд пул бериш орқали амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш, ушбу тоифадаги мижозларга ажратиладиган турларини таснифи билан боғлиқ. Аҳолига тақдим этиладиган кредитларни назарий жиҳатдан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:



1-расм. Жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар таснифи.

Манба: Муаллиф томонидан тузилди.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга кредитлар турли мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Ушбу расмда жисмоний шахсларни молиявий ташкилот сифатида банк ва нобанк ташкилотлари томонидан кредитлар ажратиш, объекти

бевосита пул шаклида ажратиладиган кредитлар бўйича назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинди.

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларни мақсади ва муддатли хусусиятларини инобатга олиб, жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

2-жадвал

Жисмоний шахсларга ажратиладиган кредит турлари таснифи

№	Кредит турлари	Мақсади	Муддати	Таъминоти
1.	Микроқарз	мақсадсиз	1 йилгача	Кафиллик ва бошқа таъминот
2.	Истеъмол кредити.	товар ва хизматлар учун	7 йилгача	Кафиллик ва бошқа таъминот
3.	Авто кредит	автомобил сотиб олиш учун	5 йилгача	Автомобил ва бошқа таъминот
4.	Ипотека кредити.	уй-жой сотиб олиш учун	20 йилгача	Кўчмас мулк ёки бошқа таъминот
5.	Микрокредит (тадбиркорлик учун).	тадбиркорлик фаолияти учун	5 йилгача	Белгиланган турдаги таъминотлар

Манба: Муаллиф томонидан тузилди.

Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредитларнинг мақсади, муддати ва таъминоти каби асосий мезонлар асосида таснифини келтириб ўтдик. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар, чакана кредит портфели таркибида ипотека кредитлари салмоқли улушга эга бўлиб, 2023 йил 1 январ ҳолатига 46% ни ташкил этган. Шунингдек, микроқарз ва кредит карталари орқали кредитлаш ҳажми ҳам юқори ўсиш тенденциясига эга.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар турлари бўйича қолдиғи ўзгаришини кўриб чиқамиз.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ўзгариши

(млрд.сўм)

Кўрсаткич номи	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	01.01.23 й.
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи	39 934	54 888	69 496	100 949
Ипотека кредитлари	20 326	28 301	35 946	46 460
Истеъмол кредитлари	3 177	5 737	9 429	25 234
Микроқарз	5 492	12 237	12 795	14 651
Тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар	6 467	8 613	11 326	14 567
Бошқа кредитлар	4 472	0	0	36
Жами кредит қўйималар	211 581	276 975	326 386	390 049
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши, %	19%	20%	21%	26%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Таҳлил қилинган даврда тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши 19% дан 26 фоизгача ошиб, 2023 йил 1 январ ҳолатига 100 949 млрд.сўмни ташкил этди. Мазкур кредит таркибидан, ажратилган кредитларнинг асосий қисми ипотека кредитлари (жамига нисбатан–46%) ташкил этган. Истеъмол кредитлари (жамига нисбатан–25%) ва микроқарз (жамига нисбатан–15%) каби амалиётлари сўнгги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганини кўришимиз мумкин.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар шартлари ва унинг қулайлиги, кредит олишда турли тўсиқларнинг камайиб бораётганлиги кредитлаш ҳажмини ошишига хизмат қилмоқда. Биргина тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2022 йилда (100 949 млрд.сўм) 2021 йилга нисбатан (69 496 млрд.сўм) 1,45 баробарга ёки 31 453 млрд.сўмга ошганлиги ушбу ҳолатни тасдиқлайди.

4-жадвал

Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган ипотека кредитлари шартлари

№	Банк номи	Фоиз ставка	Муддати	Имтиёзли давр	Миқдори	Бошланғич бадал	Талаб этилган таъминот тури
1	Ўзмиллийбанк	18%	20 йил	6 ой	416,5 млн. сўмгача	15%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
2	Ипотека банк	18%	20 йил	6 ой	416,5 млн. сўмгача	15%	Кредит ҳисобига сотиб олинadиган уй-жой
3	Алоқабанк	18%	20 йил	6 ой	416,5 млн. сўмгача	15%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
4	Ориент Финанс банк	24%	20 йил	3 ой	Шартнома бўйича*	20%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
5	Инвест финанс банк	24,99%	10 йил	мавжуд эмас	1,95 млрд. сўмгача	26%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
6	Тенге банк	24,9%	10 йил	мавжуд эмас	640 млн. сўмгача	35%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови

* қарз олувчининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, сотиб олинаётган уй-жойнинг 75 % миқдоригача

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

4-жадвал маълумотларида давлат улуши мавжуд ва хусусий банклар томонидан ипотека кредитларини тақдим этиш шартлари келтириб ўтилган. Давлат улуши мавжуд банклар томонидан асосан аҳолига давлат дастурлари асосида ипотека кредитларини таклиф этаётганлигини ва унинг муддати 20 йилни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Хусусий банклар томонидан тақдим этилаётган ипотека кредитларининг муддати 10 йилни ташкил этмоқда.

Хусусий банкларда эса, кредит миқдorigа чекловлар ўрнатилмай юқори фоиз ставкада тақдим этилмоқда. Шунингдек, кредитнинг муддати ҳам бошланғич бадалига нисбатан қатъий талаблар белгиланган.

Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган микроқарзлар шартлари

№	Банк номи	Фоиз ставка	Муддати	Миқдори	Талаб этилган таъминот тури
1	Ўзмиллийбанк	28%	24 ой	50 млн. сўмгача	Учинчи шахс кафиллиги ёки кредит қайтмаслик хатари суғурта полиси ва мол-мулк гарови
2	Ипотека банк	24%	36 ой	50 млн. сўмгача	Суғурта полиси, иш ҳақи лойиҳаси доирасида камида 3 йил ишлаган бўлиши керак.
3	Алоқабанк	29%	36 ой	50 млн. сўмгача	кредитлашнинг тўлиқ муддатига суғурта қилинган кўчар ва кўчмас мулк гарови
4	Ориент Финанс банк	25%	36 ой	50 млн. сўмгача	Кредит қайтмаслик хатари суғурта полиси ва мол-мулк гарови
5	Инвест финанс банк	29,99%	36 ой	50 млн сўмгача	20 млн.сўмгача -учинчи шахс кафиллиги ёки кредит қайтмаслик хатари суғурта полиси. 20 млн.сўмдан юқори миқдорда ликвид мол-мулк гарови
6	Тенге банк	28,9%	36 ой	50 млн сўмгача	Банк талабларига мувофиқ келувчи ликвидли таъминот. Гаров кредит миқдорининг камида 125 фоизни ташкил этиб кредитлаш тўлиқ муддатига суғурта қилинган кўчар ва кўчмас мулк.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган микроқарзлар шартлари ҳам давлат улушига эга бўлган банклар томонидан фоиз ставкалари хусусий банклар томонидан тақдим этилган банкларнинг фоиз ставкаларидан паст эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, микроқарз амалиётларида муддат ва миқдори бўйича барча банклар бир хил шартлар белгиланган.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётларини такомиллаштириш борасида қуйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга таклиф этадиган кредит маҳсулот ва турлари бўйича шартларни аҳолига тўлиқ тушунтириш. Хусусан, кредитнинг фоиз ставкаси, унинг тўланиш тартиби ва графиги ҳақидаги маълумотларни етказиш.

2. Банклар жисмоний шахсларга кредит ажратиш амалиётида сунъий интеллектга асосланган баҳолаш моделларидан фойдаланиш. Бугунги кунда жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнида кредитга лаёқатлигини баҳолашнинг скоринг тизимидан кенг фойдаланмоқда. Скоринг баҳолашни сунъий интеллект асосида ташкил этиш инсон омилини камайтириш билан бирга мижозларга тезкор кредитлар тақдим этиш имконини беради.

3. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмол кредити тўғрисида”ги 2006 йил 6 майдаги 33-сонли Қонуннинг 15-моддасида “Молиявий истеъмол кредити бериш Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхона ёки реализация қилувчи ташкилотнинг банкдаги ҳисобварағига банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари ўтказиш

йўли билан амалга оширилади” бандида импорт қилинган товарлар (хизматлар) ни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Тижорат банклари иш ҳақи лойиҳаси доирасида иш берувчи корхонанинг кафиллиги асосида кредитлашни кенгайтириши банк даромадларини оширишга замин яратади. Шунингдек, банк маҳсулотларини бир нечта маҳсулотларини сотиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 2023 йил 28 январдаги 60-сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳисобот маълумотлари

3. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотлар базаси асосида муаллиф томонидан ҳисобланди. <https://www.imf.org/external/datamapper/NGDPD@WEO/NLD/DEU/FRA/CAN/MYS/UKR/KAZ//USA/RUS/JPN/SGP>

4. Долан Э. Дж., Кэмпбелл К. Д., Кэмпбелл Р. Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика: пер.с англ. / Э. Дж. Долан, К. Д. Кэмпбелл, Р. Дж. Кэмпбелл. — СПб., 2005.

5. Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках.: пер. с англ. / под ред. Р. Я. Левиты, Б. С. Пинскера. — М.: Catalaxy, 1994. — 854 с.

6. Деньги, кредит, банки: учебник / коллектив авторов; под ред. О. И. Лаврушина. — 12-е изд. стер. - М.: КНОРУС, 2014. — 448 с.

7. Банковские операции: учеб. пособие /под ред. Ю. Коробова. - М., 2009. — С. 222.

8. Банковское дело: учебник / под ред. Белоглазовой Г. Н., Кроливецкой Л. П. — М.: Финансы и статистика, 2010. —592 с.

9. Банковское дело: учебник / под ред. Е.Ф. Жукова, Н. Д. Эриашвили. — 4-е изд., перераб. и доп. — Москва: ЮНИТИ, 2014. — 687 с.

10. Сидоров В. В. Современный рынок кредитования населения в РФ: автореф. дис. ... канд. экон. наук / В. В. Сидоров. — М., 2008.

11. Кудряшов С. В. Потребительский банковский кредит: ресурсное обеспечение и эффективность: автореф. дис. на получение наук. степени канд. экон. наук: спец. 08.00.08. «Деньги, финансы, кредит» – Ирпень, 2007. — 19 с.

12. Каврук Е. С. Экономическая сущность потребительского кредита / Е. С. Кавчук // Научный журнал КубГАУ. —2007. — № 30 (6). — С. 2.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги 2006 йил 6 майдаги 33-сонли Қонун.— <https://lex.uz/docs/1004687/>

14. Полищук А.И., Быстров С.А. “Точная модель потребительского кредита” // Финансы и кредит//2009 № 5 стр.22.

15. <https://www.imf.org/external/datamapper/NGDPD@WEO/NLD/DEU/FRA/CAN/MYS/UKR/KAZ/UZB/BLR/USA/RUS/JPN/SGP>

16. <https://lex.uz/docs/1004687/>

17. <https://cbu.uz/oz/statistics/>

18. https://www.theglobaleconomy.com/rankings/household_debt_gdp/

19. <https://data.oecd.org/gdp/gross-domestic-product-gdp.htm#indicator-chart/>

20. <https://data.worldbank.org/indicator?tab=all>

21. <https://lex.uz/docs/111189>